

Соч ва унинг парвариши ҳақида

00:00 / 03.03.2017 6119

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочлари икки елкаларига уриб турар эди».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочлари қулоқларининг юмшоқ жойларигача эди».

Абу Довуд ва Насай ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу икки ривоятни қўшиб хулоса чиқарадиган бўлсак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак сочлари қисқа бўлган пайтда қулоқларининг юмшоқ жойига баробар бўлган. Ўсганда эса, икки елкаларига уриб турадиган бўлган. Ўша ҳолатга етганда қулоқларининг юмшоқ жойига баробар қилиб, қисқартириб олганлар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига амр қилинмаган нарсада аҳли китобларга мувофиқ иш қилишни яхши кўрар эдилар. Аҳли китоблар сочларини тушириб юришар эди. Мушриклар эса, бошларидан фарқ очар эдилар. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам пешона сочларини тушириб юрдилар. Сўнгра, кейинроқ фарқ очдилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ўша пайтда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ мусулмонлар бутпараст мушриклар ва аввал самовий китобга эга бўлган яҳудий ва насронийлар билан алоқада бўлар эдилар. Баъзи ишларда мазкур икки томондан бирини танлаш зарурати туғилиб қолар эди. Шунда мусулмонлар доимо аҳли китоблар томонини олар эдилар. Мисол учун, Рум

ва Форс давлатлари уруш қилсалар, аҳли китоб бўлгани учун мусулмонлар румликларнинг тарафини олар эдилар. Чунки Ислом ҳам ўша аҳли китоблар ишининг охирги ва мукамал нуқтаси эди. Ўша вақтдаги аҳли китоблар динлари ва илоҳий китобларини бузган бўлсалар ҳам, мусулмонларга мушриклардан кўра яқинроқ эдилар. Шунинг учун ҳам,

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига амр қилинмаган нарсада аҳли китобларга мувофиқ иш қилишни яхши кўрар эдилар».

Албатта, Аллоҳдан амр келган ишларда бошқаларнинг қилмишига ҳеч қандай эътибор йўқ. Аммо баъзи ишларда Аллоҳнинг амри йўқ бўлса, худди ўша ишни мушриклар бир хил, аҳли китоблар бошқа хил қиладиган бўлсалар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳли китобларнинг услубини танлар эдилар. Жумладан, сочни тарашда,

«Аҳли китоблар сочларини тушириб юришар эди».

Яъни, аҳли китоблар пешоналаридан фарқ очмай сочларини олдинга тушириб юрар эдилар.

«Мушриклар эса, бошларидан фарқ очар эдилар».

Яъни, пешонадан фарқ очиб, сочни икки ён томонга тараш мушрикларнинг иши эди.

Бу масалада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга амр ҳам келмаган эди.

«Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам пешона сочларини тушириб юрдилар».

Бу билан аҳли китобларга мувофиқ иш тутиб, мушрикларга хилоф қилдилар. Вақти соати етиб У зотга Аллоҳ таолонинг амри келганда эса,

«Сўнгра, кейинроқ фарқ очдилар».

Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочларини ювиб, сўнг фарқ очиб тараб қўйишлари ҳақида бир неча ривоятлар келган.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ишларининг барчасида имкони борича ўнгдан бошлашни яхши кўрар эдилар: таҳоратларида ҳам, соч парваришларида ҳам, оёқ кийими кийишларида ҳам ва мисвок қилишларида ҳам».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу маънодаги ҳадиси шарифлар олдин ҳам ўрганилган. Мусулмон маданияти таълимоти бунга ўхшаш нарсаларнинг барчасида ўнг томонни афзал кўради. Ушбу ривоятда «соч парваришларида ҳам» деган гап борлиги учун ушбу жойда келтирилмоқда.

Ушбу ҳадиси шарифга амал қилишимиз лозимлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак.

Абдуллоҳ Ибн Муғаффал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бевақт соч парваришидан қайтарганлар».

Сунан эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Баъзи кишилар бўлган-бўлмаганга вақтларини соч тараш билан ўтказишни одат қилганлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўшандоқ нарсадан қайтарган эканлар. Ўз вақтида соч қараб, тартибга солиб олгани етарли. Беҳуда ишга вақтни кетказмай, фойдали иш билан машғул бўлиш керак.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қазаъдан қайтарганлар», деди у киши.

«Қазаъ нима?» дейилди Ибн Умарга.

«Бола сочининг баъзисини қириб, баъзисини қолдириш», деди у киши».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир боланинг сочининг баъзисини қирилиб, баъзисини қолдирилганини кўрдилар. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни наҳйи қилдилар ва:

«Ҳаммасини қиринглар ёки ҳаммасини қолдиринглар», дедилар».

Абу Довуд ва Насайй ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ўша пайтда жоҳилият жамиятининг бидъат-хурофотларининг сон-саноғи йўқ бўлганини яхши биламиз. Ана ўша номаъқулчиликлар ҳатто ёш болаларнинг сочини олдириш борасида ҳам бор эканлиги ушбу ривоятлардан билинмоқда. Агар ўхшатиш мумкин бўлса, авваллари бизда ҳам ёш болаларга кокил қўйиш одати бор эди. Сочни олиб келиб, маълум жойни ташлаб кетиларди. Бир неча бор олинмагандан сўнг ўша жойдаги соч ўсиб кетади. Кўпроқ кокил бирор мозорга атаб қўйилади. Бирор сўйиш олиб бориб ўша мозорда бирор таом пишириб улашилгандан сўнг кокилни олар эдилар. Ана ўшанга ўхшаш бидъат қадимги мушрикларда ҳам бўлган экан. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўшандан наҳйи қилмоқдалар.

Ушбу ривоятдан эркакларнинг сочларини тагидан қиртишлаб олдириб юришлари жоиз экани тушунилади.

Аммо аёлларга бу ишни қилишга рухсат йўқ.

Имом Насайй ривоят қилган ҳадиси шарифда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аёл киши сочини қирдиришидан наҳйи қилдилар», дейилган.